Биография

# Иномжон Расулов



Иномжон Расулов 1925 йилда Қўқон шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. 1938 йилгача ўрта мактабда (5-синфигача), 1938—40 йилларда қишлоқ хўжалик рабфакининг тайёрлов курсида, 1940—42 йилларда эса Қўқон шаҳридаги ўқитувчилар институтининг тил ва адабиёт факультетида ўқиди. Институтни имтиёзли диплом билан тугатгач, факультетда ўзбек тили ўқитувчиси қилиб олиб қолинди.

Педагог-олим ишлаб туриб, 1946 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг сиртқи бўлимини ҳам муваффақиятли тугатди ва институт олимлари, хусусан, проф. А. Ғ. Ғуломов тавсияси билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасига қабул қилинди.

У 1951 йилда «Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек тили лексикасининг тараққиёти» деган мавзуда кандидатлик диссертациясини ёқлади. 1952 йилда унга доцентлик унвони ҳам берилди.

Олим аспирантурани битиргандан бошлаб Қўқон педагогика институтида (у 1954 йилгача Қўқон ўқитувчилар институти бўлган) ўқитувчи, доцент, ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг мудири, директорнинг ўқув-илмий ишлар бўйича муовини (1954—57) ва ректори вазифаларида ишлаган.

Олимнинг шахсан ўзи ва бошқа мутахассислар билаи ҳамкорликда яратган бир қанча программа, диктантлар тўплами ва дарслиги бор. Хусусан, проф. С. Усмонов ва проф. М. Мирзаев билан ҳамкорликда яратган «Ўзбек тили» дарслиги ўзининг ихчамлиги, шунга қарамай, анча мукаммаллиги билан ажралиб туради. Шунинг учун бу дарслик ҳозиргача уч марта нашр бўлди.

И. Расулов сўнгги йилларда «Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар» мавзусида докторлик ишини ҳимоя қилган.

Олим жамоат ишларида ҳам актив қатнашиб турган: у анча вақт шаҳар «Билим» жамиятининг раиси, Шаҳар Советининг Халқ маорифи бўйича доимий комиссия раиси бўлган, Фарғона область ва Қўқон шаҳар партия комитетларининг аъзоси бўлиб сайланган.

Ҳукуматимиз унинг бу хизматларини «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун», «Шавкатли меҳнати учун» медаллари ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан тақдирлаган.

# Асарлари:

**1952**

Ўзбек илмий-техник терминологиясининг баъзи масалаларига доир. Доклад тезислари, Тошкент.
Орфография ўқитишнинг баъзи масалаларига доир. «Совет мактаби» журнали, 1-сон, Тошкент.
Некоторые вопросы развития узбекской научно-технической терминологии. Тезисы докладов, Издательство АН УзССР, Ташкент.

**1954**

Некоторые вопросы узбекской научно-технической терминологии. Сб. «Вопросы узбекского языкознания», Ташкент.

**1959**

Диктантлар тўплами. Тошкент. (Бу тўпламнинг иккинчи нашри 1966 йилда чиққан.)

**1962**

Ўзбек тили. (Ҳамкор), Тошкент. (Бу дарслик 1966 йилда қайта нашр бўлган.)
Ҳозирги ўзбек адабий тили. Педагогика институтларининг тил ва адабиёт факультетлари учун программа, Тошкент.

**1963**

Родной русский язык. Журнал «Звезда Востока», № 9, Ташкент.

**1964**

К вопросу изучения односоставных предложений в узбекском языке. «Уч. зап. Кокандск. пединститута», вып. IV, Серия филологическая, Коканд.

**1965**

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг практик стилистикаси.; Программа (ҳамкор), Тошкент.
Бир составли гапларнинг ўрганилиши тарихидан. Тошкент Давлат университетининг илмий асарлари (ўзбек филологияси масалалари), Тошкент.
Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.